

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КЕНЖАЕВА НАРГИЗА КУВАТОВНА**

**ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРГА ТОБЕЛИКНИНГ ТАРҚАЛИШИ,  
КЛИНИК ДИНАМИКАСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ  
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА)**

**14.00.18 – Психиатрия ва наркология  
14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кенжаева Наргиза Куватовна**

Гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалиши,  
клиник динамикаси ва профилактикасининг  
минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида) ..... 3

**Кенжаева Наргиза Куватовна**

Региональные особенности распространенности,  
клинической динамики и профилактики зависимости  
от наркотиков (на примере Самаркандской области) ..... 27

**Kenjayeva Nargiza Kuvatovna**

Regional features of prevalence, clinical dynamics and  
drug addiction prevention  
(using the example of Samarkand region) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КЕНЖАЕВА НАРГИЗА КУВАТОВНА**

**ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРГА ТОБЕЛИКНИНГ ТАРҚАЛИШИ,  
КЛИНИК ДИНАМИКАСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНинг  
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА)**

**14.00.18 – Психиатрия ва наркология  
14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2491 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.mentalhealthcenter.uz](http://www.mentalhealthcenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:** Маъзумова Шахноза Шахзадевна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Ризаев Жасур Алимжанович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий спонсорлар:** Некандарова Шахноза Тўлкиновна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Асадуллин Азат Раилевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «4 октябр» куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 102147, Тошкент вил., Қибрай тумани, Салар к. Тел: (078) 150-79-34, 150-78-95. Факс: 150-78-94, e-mail: [info@narcomedcenter.uz](mailto:info@narcomedcenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1 рақам билан рўйхатга олинган) Манзил: 102147, Тошкент вил., Қибрай тумани, Салар к. Тел: Факс: (078) 150-79-34, 150-78-95, 150-78-94.

Диссертация автореферати 2024 йил «22» август да тарқатилди.

(2024 йил «    »      даги      рақамли реестр баённомаси)



**У.Х. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**И.И. Хайреднинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**З.Ш. Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Шиддат билан кечаётган даврда гиёҳванд моддаларни қабул қилувчилар сони ҳам ўсишда давом этмоқда. ЖССТ статистик кўрсаткичларига биноан, 10 йил ичида гиёҳвандлар сони 23 фоизга ошиб, 2021 йилда 296 миллион кишини ташкил этган бўлса, айти дамда гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар сони эса 39,5 миллионни ташкил этади, бу ўз навбатида 10 йил олдингига нисбатан 45 фоиз кўп эканлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Анъанавий қизгин бозорларда гиёҳвандлик ҳодисаси бирмунча барқарорлашаётган айти пайтда, ривожланаётган давлатларда гиёҳвандлик воситалари истеъмолининг тобора ўсиши эвазига, нафақат гиёҳвандлар сонининг ошиши, балки гиёҳванд моддалар (ГМ) бизнесининг фаоллашуви, халқаролашуви кучаймоқда, яъни гиёҳвандлик ҳодисаси трансформацияланмоқда. Гиёҳвандлик демографияси ёмонлашиб, истеъмолчилар орасида ёшлар ва аёллар улушининг ортиб бориш тенденцияси қарор топмоқда. Жадал кечаётган глобаллашув, урбанизация ва модернизацияга монанд шаклланаётган айрим дунёқарашлар ва турмуш тарзидаги эврилишлар асносида гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тиббий, ижтимоий, иқтисодий, психологик, демографик, ҳуқуқий, маиший таъсирлари ва асоратлари кучаймоқда ҳамда жамият саломатлигини сақлаш борасидаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалганлиги ва касалланиш даражасини таҳлил қилиш, гиёҳванд моддаларга тобеликнинг клиник-динамик хусусиятларини аниқлашга доир кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Гиёҳванд воситаларининг сони ва тури ошиб бориши ҳамда минтақавий, геосиёсий, ижтимоий-маданий ва географик хусусиятларига қараб жойлашуви ўзгариб турувчи тобеликнинг "зарарланиш ўчоқлари" шаклланиш жараёнининг кечишида, жумладан ремиссия шаклланишини белгиловчи хусусиятларини босқичма-босқич баҳолаш ҳамда қарамликни олдини олишга ва устувор профилактик йўналишларни белгиловчи тадбирларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида изчил ислохотларнинг амалга оширилиши устувор вазифалардан саналиб, «...наркотик моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашни мувофиқлаштириш, ҳам миллий, ҳам минтақалар даражасида наркотик моддалар тарқалиши олдини олишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, наркотик моддалар устидан назорат қилиш юзасидан халқаро мажбуриятларни бажариш...»<sup>2</sup> ҳамда «...наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашни янада такомиллаштириш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). World Drug Report 2023.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 1994 йил 30 апрелдаги 229-сонли Қарори.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сонли Қарори.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон «Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ГМТ муаммосининг тиббий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатлари кўплаб илмий изланувчилар тадқиқотларининг предмети бўлган (Е.А. Кошкина ва ҳаммуаллифлари, 2014; В.В. Киржанова, 2015; М.Э. Позднякова, В.В. Бруно, 2018). Аксарият амалга оширилган тадқиқотлар ГМТ нинг ташхисоти, патофизиологик ўзгаришлар, таъсир механизми, ривожланиш босқичлари ва клиник кечишини ўрганишга қаратилган, мазкур тадқиқотларда барча гиёҳвандлик ҳолатлари учун хос умумий белгилар баробарида, қўлланилаётган гиёҳванд моддалар турига боғлиқ ўзига хос хусусиятлар ҳам аниқланган (И.П. Анохина, 2017; Рыбакова К.В. ва ҳаммуаллифлари, 2018).

Кўплаб олимлар шахснинг ГМ ни истеъмол қилишга ружу қўйишининг объектив ва субъектив сабабларини тадқиқ этишган (Ю.Ю. Кирина ва ҳаммуаллифлари, 2015; И.П. Анохина, 2017; А.Н. Яковлев ва ҳаммуаллифлари, 2017; O.Wlodarczyk et. al, 2017). Қатор тадқиқотчилар томонидан гиёҳвандликнинг ҳиссий-психологик зўриқишлар ва салбий ижтимоий муҳит таъсирининг оқибати сифатида бошланиши ва ривожланиши тадқиқ этилган (Н.Н. Иванец, М.А. Винникова, 2002; Н.А. Барановский, 2011).

Шунингдек, генетик, психосоциал, токсик ва метаболик табиатга эга хавф омилларининг таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган (А.О. Кибитов, И.П. Анохина, 2016; J.M. Bossertetal, 2011; Э.Б. Карпова ва ҳаммуаллифлари, 2020).

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг аксарият илмий изланишларида ГМТ ривожланишининг ижтимоий, психологик ва биологик омиллар эвазига келиб чиқиш ва ривожланиш модели тан олинган (У.И. Кучкаров ва ҳаммуаллифлари, 2009; Н.И. Ходжаева ва ҳаммуаллифлари, 2014; Ф.А. Шигакова, 2017; В.К. Абдуллаева, 2017; Л.А. Турсунходжаева, Ф.Ш. Бахрамов, 2018; З.Ш. Ашуров ва ҳаммуаллифлари, 2022; Ж.Т. Рустамова, 2022). Тошкент шаҳрида ГМТ нинг кечишидаги клиник-эпидемиологик жиҳатлар Ф.Ш. Бахрамов (2018) томонидан ўрганилган.

Бироқ, ҳозирги кунга қадар клиник ва динамик кўрсаткичларни кўп қиррали ҳодиса сифатида мажмуавий ёндошув асосида баҳолаш борасидаги, беморларнинг ижтимоий ва шахсий хусусиятларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар жуда кам учрайди. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалганлиги, клиника ва динамикасининг

минтақавий хусусиятлари, гиёҳвандлик намоён бўлишининг асосий кўринишлари, уларни белгиловчи омиллар, ёндош патологиялар ўзгараётган шарт-шароитларга монанд тарзда таджик; этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу маълумотлар ва далиллар танланган мавзунинг нафақат тиббий, балки ижтимоий йуналтирилганлигини, ҳамда иқтисодий ахамиятини курсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900258 «Инновацион хулқ-атвор психологияси: инновацион шахснинг шаклланиши. Замонавий жамиятнинг ижтимоий-гуманитар муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалиши, клиника ва динамикасининг минтақавий хусусиятларини аниқлаш ҳамда гиёҳвандликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Самарқанд вилояти мисолида гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалганлиги ва касалланиш даражасини ретроспектив таҳлил қилиш;

гиёҳванд моддаларга тобеликнинг клиник-динамик хусусиятларини аниқлаш;

гиёҳванд моддаларга тобе беморларда ремиссия шаклланишини белгиловчи конституционал-биологик, ижтимоий-демографик хусусиятларни ва ташкилий тадбирларни сифатини баҳолаш;

Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик тарқалишининг олдини олишга ва профилактик тадбирларни такомиллаштириш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган нарकोлогия илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиалида гиёҳванд моддаларга тобелик буйича 2010-2022 йиллар кесимидаги расмий маълумотлари ва ҳисоботлари. Охирги йиллар давомида ҳисобга олинган 5770 нафар беморларнинг тиббий карталари, маълумотлари натижасида 2211 нафар шахсда кайд этилган гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг янги ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар. Рандомизацияланиб шакллантирилган 411 нафар гиёҳванд моддаларга тобе беморлардан иборат булган танланма.

**Тадқиқотнинг предмети:** Самарқанд вилоятида 2010-2022 йиллар мобайнида гиёҳванд моддаларга қарамлилик ва зарарланганликнинг жадаллиги, динамикаси, тақсимланиши ҳамда уларнинг детерминантлари. Гиёҳванд моддаларга қарам беморларнинг тиббий, ижтимоий-демографик, конституционал-биологик, психологик ва динамик хусусиятлари, ремиссия шаклланиш частотаси, касалликнинг оқибатлари, уларни белгиловчи хавф омиллари ҳамда тақдим этилаётган даволаш ва профилактик тадбирлар мажмуаси.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишида клиник–психопатологик, клиник-катамнестик, ретроспектив таҳлил, эпидемиологик ва статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

героин ва синтетик моддаларга тобелик натижасидаги абстинент синдромнинг оғирлик даражаси постабстинент даврда юзага келадиган аффектив бузилишларнинг клиник синдромологиясига ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

юқори хавф мавжуд бўлган хулқ-атворли шахсларда психофаол моддалар истеъмол қилишнинг эрта бошланиши, тезликда шаклланиши билан характерланадиган қарамликнинг юқори даражадаги прогредиент кечиши асослаб берилган;

яширин полинаркомания кузатилган шахсларда бекор қилиш ҳамда наркотикга бўлган патологик майл синдромининг деструктив хулқ-атвор ва аффектив бузилишларнинг устунлиги ижтимоий мослашувга таъсири исботланган;

хавф гуруҳларини эрта аниқлашда клиник-ижтимоий, хулқ-атвор скрининги ҳамда ижтимоий мослашув “портрети” ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гиёҳванд моддаларга тобелик касалланишнинг вилоят миқёсида пасайиши асносида, хусусан Каттақўрғон шаҳри, Оқдарё, Иштихон, Пахтачи ҳамда Нарпай туманларида бирламчи касалланишнинг ўсиши кузатилганлиги аниқланиб, ушбу ўсиш аҳолининг 40-64 ва 65 ёшдан юқори гуруҳларида намоён бўлди, кўпроқ опий хосилалари кўшилиши ҳисобига, ва ушбу ҳудудларда ва шу ёш гуруҳидагиларга наркология хизматини ташкиллаштиришда эътиборни кучайтириш зарурлиги аниқланган;

гиёҳванд моддаларга тобелик касалланиш шаклланишини ва унинг жадаллигини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий, демографик, ахлоқий-маънавий шарт-шароитлар, хавф омиллари ва касалланиш даражаси ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларининг минтақавий хусусиятлари аниқланган;

гиёҳванд моддаларга тобелик синдроми ривожланиши ва кечишининг етакчи клиник-динамик хусусиятлари ҳамда уларни белгиловчи детерминантлар ўртасидаги алоқадорлик аниқланган;

аҳоли ўртасида гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар истеъмолининг олдини олиш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича мажмуавий-интегротив ёндошув тамойилига асосланган профилактик тизим ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда замонавий усуллар ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлар, олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қиёслаш гуруҳларининг мавжудлиги, ўзаро бир - бирини тўлдирувчи жамоат саломатлиги, эпидемиологик, умумклиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, тобелик шаклланишининг тарқалиш жадаллиги ва динамикаси, касалланишнинг бошқаруви борасида мажмуавий-интегротив тамойилларига асосланувчи концептуал ёндошув шакллантирилганлиги, беморларга тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга доир услубий

тавсиянома яратилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гиёҳванд моддаларга қарамликни эрта ташхислаш ва хавф гуруҳига кирувчи шахсларни прогноз қилиш, касаллик тарқалишининг минтақавий хусусиятлари, касалликнинг шаклланиши, ривожланиши ва кечишини белгиловчи детерминантлар, касаллик турини белгиловчи омиллар ҳамда тиббий-профилактик хизмат тақдим этилишига тусқинлик қилувчи омиллар томонидан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гиёҳванд воситаларга тобе шахсларни эрта ташхислаш, аффектив бузилишларнинг клиник синдромологиясини баҳолаш, юқори хавф мавжуд булган хулқ — атвор бузилишли шахслардаги қарамликнинг юқори прогрессив кечишини баҳолаш, патологик майл синдромининг устунлиги ва ижтимоий мослашув “портрети” ни ишлаб чиқиш билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўйидаги ГМТ ҳолатини** ташхислаш- даволашнинг ва пациентлар олиб борилишининг оптимал тартиблари ҳамда касаллик профилактикаси борасида тавсиялар ишлаб чиқилиши, мажмуавий тиббий- профилактик хизматнинг интегратив ва мувофиқлаштирилиш жараёнлари йўлга қўйилиши ҳисобига ташкилий жиҳатлари такомиллаштирилиши, ГМТ шахсларга курсатилаётган тиббий- профилактик хизмат сифати ва самарадорлигининг оширилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2023 йил 05 майдаги №20-сон ва 2024 йил 10 январдаги №3-сон хулосасига кура:

*биринчи илмий янгилик:* героин ва синтетик моддаларга тобелик натижасидаги абстинент синдромнинг оғирлик даражаси постабстинент даврда юзага келадиган аффектив бузилишларнинг клиник синдромологиясига ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, кўп йиллик динамикада гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш жадаллигидаги аффектив бузилишларнинг изчиллиги, моддаларга тобелик натижасида абстинент синдромнинг оғирлик даражаси постабстинент даврда кузатилиши билан аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: кўп йиллик динамикада касалланиш жадаллигининг изчиллиги борасида амалга оширилган тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд (03.06.2023 йил, №162) ва Жиззах (12.06.2023 йил, №186) вилоятлари минтақавий филиаллари амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат: гиёҳванд моддага тобелик билан касалланиш жадаллигидаги изчил пасайиш маромининг бузилиши, касалланишнинг эпизодик кўтарилиш шаклидаги номунтазам тебранишларининг прогностик имкониятларидан фойдаланиб Самарқанд ва Тойлоқ туманларида касалликнинг кескин ўсиши бартараф этилган: гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш кўрсаткичини 2022 йилда Самарқанд

шаҳрига бевосита ёндош Самарқанд ва Тайлоқ туманларида тегишлича 6,3 ва 3,6 марта пасайтиришга эришилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Самарқанд ва Тойлоқ туманларида гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш ўсиши баргараф этилиши натижасида, тўғридан-тўғри тиббий харажатлар Самарқанд туманида 2010 йилдаги 5 460 000 сўмдан 2022 йилда 780 000 сўмга, Тайлоқ туманида 2010 йилдаги 17 160 000 сўмдан 2022 йилда 6 240 000 сўмга қисқартирилди. *Хулоса:* героин ва синтетик моддаларга тобелик натижасидаги абстинент синдромнинг оғирлик даражаси постабстинент даврда юзага келадиган аффектив бузилишларнинг клиник синдромологиясига ўзаро боғлиқлиги, гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш кўп йиллик динамикасининг мониторинги ва таҳлилида касаллик тарқалишининг келгусидаги ҳолатини тавсифловчи прогностик аҳамиятга молик индикатор параметрлар аниқланган ва Самарқанд туманида 4 680 000, Тойлоқ туманида 10 920 000 сўмни тежаш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик:* юқори хавф мавжуд бўлган хулқ-атворли шахсларда психофаол моддалар истеъмол қилишнинг эрта бошланиши, тезликда шаклланиши билан характерланадиган қарамликнинг юқори даражадаги прогрессив кечиши асослаб берилган; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: касалликнинг ҳудудий, ижтимоий-касбий гуруҳлараро тақсимланиши ҳамда аҳолининг турли қатламларида тобеликларни аниқланиш борасидаги тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд (03.06.2023 йил, №162) ва Жиззах (12.06.2023 йил, №186) вилоятлари минтақавий филиаллари амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: юқори хавф мавжуд бўлган хулқ – атворли шахсларда касаллик шаклланиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эрта аниқлаш ва профилактик тадбирлар ҳамда тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ресурслар тақсимоти ҳудудий жойлашуви ва аҳолининг “хавф гуруҳлари” ни инобатга олинган ҳолда, дифференциал ёндашув асосида амалга оширилиши натижасида Самарқанд шаҳрида ва Ургут туманида 2010 йилдагига қараганда 2022 йилда касалланиш даражасининг тегишлича 3,7 ва 1,7 марта камайтирди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш даражасининг камайиши ҳисобига йиллик бевосита тиббий харажатлар сарфи Самарқанд шаҳрида 2010 йилдаги 20 748 000 сўмдан 2022 йилда 5 616 000 сўмга камайиб, Ургут туманида 2010 йилдаги 21 528 000 сўмдан 2022 йилда 12 948 000 сўмга камайди. *Хулоса:* юқори хавф мавжуд бўлган хулқ-атворли шахсларда психофаол моддалар истеъмол қилишнинг эрта бошланиши, тезликда шаклланиши билан характерланадиган қарамликнинг юқори даражадаги прогрессив кечиши асослаб берилиб, гиёҳванд моддаларга тобелик шаклланиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган клиник - ижтимоий тадбирларга асосланган ҳамда касалликни барвақт аниқлашга, скрининг қилишга йўналтирилган ресурслар тақсимоти ҳудудий ва аҳолининг “хавф

гурухлари” ни инобатга олинган ҳолда, Самарқанд шаҳрида 15 132 000 ва Ургут туманида 8 580 000 сўмни тежаш имконини берди.

*учинчи илмий янгилик:* яширин полинаркомания кузатилган шахсларда бекор қилиш ҳамда наркотикга бўлган патологик майл синдромининг деструктив хулқ-атвор ва аффектив бузилишларнинг устунлиги ижтимоий мослашувга таъсири исботланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: гиёҳванд моддаларга тобе беморлар динамикасининг прогнозини белгилашда гиёҳванд моддалар истеъмоли таркибида героин улушининг ошиши ҳамда синтетик гиёҳванд моддалари ва дори воситалари истеъмоли шаклланиши каби аффектив бузилишларнинг табиати, касаллик кечиши оғирлашувининг клиник-эпидемиологик тарқалишини асослаб берди, ҳар бир беморга малакали ва оптимал тиббий-ижтимоий ёрдам тақдим этилишини таъминлади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: гиёҳванд моддаларга тобелик синдроми шаклланишига кўмаклашувчи, касаллик кечишини белгиловчи ва ремиссия барқарорлашувига монелик кўрсатувчи биологик, ижтимоий-демографик, маънавий-ахлоқий детерминантларни аниқлаш борасидаги тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд (26.01.2024 йил, №18) минтақавий филиали ҳамда Самарқанд вилояти ОИТС га қарши курашиш маркази (07.02.2024 йил №21) амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: гиёҳванд моддаларга қарам беморларни олиб борилишида ҳамда касаллик динамикасининг прогнозини белгилашда гиёҳванд моддалар истеъмоли таркибида героин улушининг ошиши ҳамда синтетик гиёҳвандлик ва дори воситалари истеъмоли шаклланиши каби аффектив бузилишларнинг табиати, касаллик кечиши оғирлашувининг клиник-эпидемиологик синдромологиясини инобатга олиниши ҳамда дифференциал ёндашув қўлланилиши натижасида Самарқанд вилоятидаги гиёҳванд моддаларга қарам беморларнинг ОИВ инфекцияси билан зарарланганлик даражаси 2010-2014 йиллардаги караганда 2015-2021 йилларда 3,2 марта камайишига эришилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: касаллик динамикасининг прогнозини белгилашда истеъмол қилинадиган гиёҳванд моддалар таркибини, касаллик кечиши оғирлашувининг клиник-эпидемиологик белгиларини инобатга олган ҳолда, дифференциал ёндашув Самарқанд вилоятидаги беморларнинг ОИВ инфекцияси билан зарарланганлик даражаси камайтирилиши эвазига, гиёҳвандлик ва ОИВ инфекцияси билан бир пайтда зарарланган пациентларга сарфланадиган ўртача йиллик маблағ 2010-2014 йиллардаги 26 588 000 сўмдан 2015-2021 йилларда 5 945 100 сўмгача камайишига эришилди. *Хулоса:* яширин полинаркомания кузатилган шахсларда бекор қилиш ҳамда наркотикга бўлган патологик майл синдромининг деструктив хулқ-атвор ва аффектив бузилишларнинг устунлиги ижтимоий мослашувга таъсири исботланган, гиёҳванд моддаларга қарамлик кузатилган беморларни олиб борилишида ҳамда касаллик динамикасининг прогнозини белгилашда истеъмол қилинадиган гиёҳванд моддалар таркибини, касаллик кечиши

оғирлашувининг клиник- эпидемиологик белгиларини инобатга олган ҳолда, дифференциал ёндашувга асосланган ишлаб чиқилган чора-тадбир 20 642 900 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

*тўртинчи илмий янгилик:* хавф гуруҳларини эрта аниқлашда клиник-ижтимоий, хулқ-атвор скрининги ҳамда ижтимоий мослашув “портрети” ишлаб чиқилди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: гиёҳванд моддаларга тобелик синдроми шаклланишига кўмаклашувчи, касаллик кечишини белгиловчи ва ремиссия барқарорлашувига нисбатан монелик кўрсатувчи биологик, ижтимоий-демографик, маънавий-ахлоқий детерминантларни аниқлаш борасидаги тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд (26.01.2024 йил, №18) вилояти минтақавий филиали ҳамда Самарқанд вилояти ОИТС га қарши курашиш маркази (07.02.2024 йил №21) амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гиёҳванд моддаларга тобелик синдроми шаклланишига кўмаклашувчи, хавф гуруҳларини эрта аниқловчи, касаллик кечишини белгиловчи ва ремиссия барқарорлашувига монелик кўрсатувчи биологик, ижтимоий-демографик, маънавий-ахлоқий детерминантларни инобатга олинган ҳолда, клиник – ижтимоий, хулқ – атвор скрининги ҳамда ижтимоий мослашувини яхшилаш “портрети” асосида Самарқанд вилоятида 2010 йилдагига (3917) қараганда 2022 йилда (576) 6,8 марта камайтиришга эришилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Самарқанд вилоятида қарамлик билан зарарланганлик даражасининг камайиши ҳисобига йиллик бевосита тиббий харажатлар сарфи 2010 йилдаги 61 105 200 сўмдан 2022 йилда 8 985 600 сўмга камайди. *Хулоса:* гиёҳванд моддаларга тобелик синдроми шаклланишига кўмаклашувчи, хавф гуруҳларини эрта аниқловчи, касаллик кечишини белгиловчи ва ремиссия барқарорлашувига монелик кўрсатувчи биологик, ижтимоий-демографик, маънавий-ахлоқий детерминантларни инобатга олинган ҳолда, клиник – ижтимоий, хулқ – атвор скрининги ҳамда ижтимоий мослашувини яхшилаш “портрети” амалга оширилишининг зарурлигига асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон бериб 52 119 600 сўм маблағ иқтисод қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 5 та халқаро анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг **кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган нашлаш тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи. Гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалганлиги, клиник динамикаси ва профилактикаси»** деб номланган биринчи бобида, муаммонинг замонавий ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. Глобаллашув шароитида гиёҳванд моддаларга тобеликнинг (ГМТ) тарқалганлиги ва жамоат саломатлигига таъсири, ГМТ шаклланиши, клиник динамикаси, детерминантлари ҳамда реабилитацияси ва профилактикаси борасидаги кенг қамровли илмий-амалий маълумотлар таҳлил этилган. Муаммо ўрганилиши борасидаги жиҳатлар белгиланган ва янада мукамалроқ тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини асослаш хулосаси билан яқунланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва махсус текшириш усуллари баён этилган. Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиалида 2010-2022 йиллар мобайнида ҳисобда туришган (N=5770), янгидан аниқланган пациентлар (N=2211) ҳақидаги маълумотлар, 066-1-х/ш, 025-х/ш, 030-2-х/ш ҳамда йиллик ҳисоботлар таҳлил этилган.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган “Гиёҳванд моддаларга тобе пациентларни стандарт тасвирлаш бўйича тартибланган карта” асосида тасодифий танлов асосида шакллантирилган танланма (N=411) ремиссия кузатилган - асосий (n=306) ва ремиссия кузатилмаган - таққослаш (n=105) гуруҳларига ажратилиб ГМТ билан касалланишнинг клиник-динамик хусусиятлари тадқиқ этилди.

Тадқиқот материалларини йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш, баҳолаш жараёнларида тиббий-психологик, клиник-катамнестик, ускунавий, лаборатор, ижтимоий-гигиеник, социологик, эпидемиологик ва тиббий-статистик усуллар қўлланилди. ГМТ беморларида патологик мойилликнинг психопатологик тузилиши ва динамикаси миқдорий баҳолаш шкаласи (Винникова М.А., 2004) ёрдамида таҳлил этилди ва баҳоланди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетидан фойдаланиб статистик қайта ишланди. Ассоциация коэффиценти (Q), нисбий хавф (RR), M, m, t ни ҳисоблаш ҳамда Стюдент жадвали ёрдамида p ни топиш амалга оширилди (М.И. Петрухина, Н.В. Старостина, 2003; Б.М. Маматкулов, 2013).

Диссертациянинг «Гиёҳванд моддаларга тобеликнинг тарқалганлиги ва уни белгиловчи омиллар» деб номланган учинчи бобида Самарқанд вилоятидаги гиёҳвандлик билан бирламчи касалланишнинг кўп йиллик динамикасини таҳлил этиш натижалари келтирилган. 2010-2022 йиллар мобайнидаги касалланишнинг кўрсаткичи 100 минг нафар аҳолига 2,1 дан (2017 й.) 11,5 га (2010 й.) қадар тебраниб турган ва ўртача кўрсаткич 4,9 ни ташкил этади (1-жадвал).

Вилоятда ГМТ билан касалланиш кўрсаткичи 2022 йилда (4,4) 2010 йилга (11,5) қараганда қарийб 2,6 марта, яъни 61,7% га пасайган, ўртача йиллик пасайиш суръати 4,7% ни ташкил этади. ГМТ билан касалланиш 2010-2022 йилларда вилоят умумий аҳолисининг ўртача 0,005% ида қайд этилган.

**1-жадвал**

**Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик билан бирламчи касалланишнинг динамикаси, 2010-2022 йй.**

Йиллар	Кўрсаткичлар			Аҳоли сонига нисбатан %
	Мутлоқ	Жадаллик (100 минг нафар аҳолига)	Яққоллик	
<b>2010</b>	365	11,5	100	0,011
<b>2011</b>	293	9,2	80	0,009
<b>2012</b>	236	7,0	60,9	0,007
<b>2013</b>	186	5,1	43,5	0,005
<b>2014</b>	173	5,0	43,5	0,005
<b>2015</b>	136	3,9	33,9	0,004
<b>2016</b>	98	2,8	24,3	0,003
<b>2017</b>	77	2,1	18,2	0,002
<b>2018</b>	116	3,1	26,9	0,003
<b>2019</b>	117	3,1	26,9	0,003
<b>2020</b>	119	3,2	27,8	0,003
<b>2021</b>	114	2,9	25,2	0,003
<b>2022</b>	181	4,4	38,3	0,004
<b>Ўртача</b>	<b>170</b>	<b>4,9</b>		<b>0,005</b>
<b>Медиана</b>	<b>136</b>	<b>3,9 (2,8 – 9,2)</b>		<b>0,004 (0,003-</b>
<b>(Ме+ - Ме-)</b>	<b>(98 - 293)</b>			<b>0,009)</b>

2010-2014 йиллар мобайнидаги кўрсаткичлар умумий ўртача касалланиш кўрсаткичига қараганда 1,0-2,3 марта юқорилиги (касалланишнинг “юқори” даври), аксинча 2015-2022 йилларда 1,1-2,3 марта паст (касалланишнинг “паст” даври) эканлиги аниқланди. Самарқанд вилоятида 2010-2014 йиллар мобайнида ГМТ билан касалланиш 56,5% га пасайган ва пасайиш жараёни узлуксиз кечган, ўртача йиллик пасайиш суръати 11,3% га тенг. “Юқори” даврдаги (2010-2014 йй.) ўртача кўрсаткичга (100 минг нафар аҳолига 7,6) қараганда, “паст” даврдаги (2015-2022 йй.) ўртача касалланиш кўрсаткичи (3,2) 57,9% га, яъни 2,4 марта пасайган. “Паст” даврда ГМТ билан касалланишнинг пасайишидаги узлуксизлик мароми бузилди, яъни динамикада номунтазам Пахтачи ва Нарпай туманларида касалланиш 14 тегишлича 1,3; 5,2; 5 ва 3 марта Самарқанд шаҳри аҳолисининг 2010-2022 йй.

мобайнидаги ўртача касалланиш кўрсаткичи 100 минг нафар аҳолига 11,2 ни ташкил этган (1 -расм).



*1-расм. Самарқанд вилоятининг маъмурий ҳудудлари бўйича гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг 2010-2022 йиллардаги ўртача жадаллиги (100 минг нафар аҳолига)*

Касалланиш жадаллиги ўртача кўрсаткичга нисбатан 2010-2013 йилларда юқори, 2014- 2022 йилларда эса паст. 2010 йилдаги касалланиш кўрсаткичи (32,9), ўртача кўрсаткичга қараганда 2,9 марта юқори. 2022 йилдаги касалланиш кўрсаткичи 2010 йилдагига қараганда 5,2 марта паст, ўртача йиллик пасайиш суръати эса 6,2% дан иборат.

Самарқанд шаҳрига бевосита ёндош Самарқанд ва Тайлоқ туманларида (шаҳар туманлари) таҳлил этилаётган йиллар мобайнидаги ГМТ билан ўртача касалланиш кўрсаткичи тегишлича 4,9 ва 3,6 ни ташкил этган. 2022 йилдаги касалланиш кўрсаткичи 2010 йилдагига қараганда Самарқанд туманида 6,3 марта, Тайлоқ туманида 3,6 марта паст. Ўртача йиллик пасайиш суръати эса тегишлича 6,5% ва 5,6% дан иборат.

Каттақурғон шаҳрида 2010-2022 йиллар мобайнида ГМТ билан касалланишнинг 7,5 марта ўсиши қайд этилиб, ўртача касалланиш кўрсаткичи 4,4 ни ташкил этган. Ўртача йиллик ўсиш суръати 49,7% дан иборат.

Самарқанд вилоятида, кўшни давлат билан чегарадош Ургут тумани истисно этилганида, 11 та “қишлоқ тумани” мавжуд. Мазкур қишлоқ туманларида ГМТ билан касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 0,3 дан (Нуробод тумани) 2,8 гача (Жомбой тумани) кўламда тебраниб турган. 2022 йилда 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 7 та қишлоқ туманида ГМТ билан касалланиш даражасининг пасайганлиги аниқланди. Хусусан, касалланиш кўрсаткичи Каттақурғон, Булунғур, Жомбой, Қўшробод, Пастдарғом ва Пойарик туманларида ушбу давр мобайнида тегишлича 1,3; 17; 1,6; 4; 2,1 ва 1,6 марта пасайган. Нуробод туманида 2010 йилда касалланиш кўрсаткичи 0,8 ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда батамом қайд этилмаган. Пасайиш энг кам кузатилган Каттақурғон туманида (1,3 марта) ўртача йиллик пасайиш суръати 1,5% га тенг булса, 17 марта пасайиш қайд этилган Булунғур туманида эса, ўртача йиллик пасайиш суръати 7,2% га тенг. Аксинча, 4 та туманда - Оқдарё, Иштихон, Пахтачи ва Нарпай туманларида касалланиш тегишлича 1,3; 5,2; 5

ва 3 марта ўсган. Ўсиш энг кам кузатилган Оқдарё туманида (1,3 марта) ўртача йиллик ўсиш суръати 1,9% га, энг катта ўсиш қайд этилган Иштихон туманида (5,2 марта) эса, ўртача усиш суръати 32,3% га тенг.

Кўшни давлат билан чегарадош Ургут туманида 2010-2022 йиллар мобайнида ГМТ билан касалланиш кўрсаткичининг 2,2 марта пасайган ва ўртача йиллик пасайиш суръати 4,2% дан иборат. Ўртача касалланиш кўрсаткичи вилоят буйича энг юқори - 12,5 ни ташкил этган.

2022 йилда “Қишлоқ туманлари” дагига нисбатан ГМТ билан касалланиш нисбий хавфи Самарқанд шаҳрида 4,0 (RR=4,0), Ургут туманида 9,3 (RR=9,3) ва Каттақурғон шаҳрида 6,0 (RR=6,0) марта юқори.

Шу тариқа, Самарқанд вилояти буйича ГМТ билан касалланиш 2010-2022 йилларда, умуман олганда, 2,6 марта камайгани ҳолда, ушбу йиллар мобайнида Каттақурғон шаҳрида, Оқдарё, Иштихон, Пахтачи ва Нарпай туманларида тегишлича 7,5; 1,3; 5,2; 5 ва 3 марта ўсганлиги аниқланди. Демак, вилоят миқёсида ГМТ билан касалланишнинг пасайиши асносида ҳам, “гиёҳвандлашув” жараёнининг нозогеографияси кенгайишда ва чуқурлашишда давом этмоқда, яъни “гиёҳвандлашув” ҳодисаси учун динамизм хос.

Истеъмол қилинадиган ГМ тоифасининг таркибида героин (45,9%), каннабис гуруҳидаги (26,3%) ва опий гуруҳидаги (16,2%) гиёҳвандлик воситаларининг улуши, бошқа тоифаларга мансуб ГМ улушига қараганда аҳамиятли даражада юқори ( $p < 0,001$ ). Кўкнори 4,0%, синтетик гиёҳвандлик ва дори воситалари 1,3%, шунингдек бир неча тоифага мансуб гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли 6,3% ни ташкил этган. Опиоидлар ҳиссаси 2010 йилда 30,6% ни ташкил этган бўлса, 2022 йилга (4,4%) келиб салкам 7 мартага камайган. Героин ҳиссаси 2010 йилда 63,8% ни, 2018 йилда минимал кўрсаткични, яъни 3,4% ни ташкил этган (18,8 марта камайиш). Лекин героин истеъмолининг ҳиссаси 2019 йилдан бошлаб қайта ўса бошлаган ва 2022 йилга келиб 51,3% ни ташкил этмоқда, бу 2018 йилга нисбатан 15,1 марта, 2021 йилга нисбатан эса 3,1 марта юқори кўрсаткичдир. Кўкнори истеъмол қилувчи гиёҳвандлар 2022 йилда кузатилмаган, қолган йилларда ушбу гиёҳвандлик воситасининг истеъмоли 1,1% дан (2010 йил), 10,3% гача (2018 йил) кўламда тебраниб турган. Каннабис гуруҳидаги воситалар истеъмоли 2010 йилда 2,3% гиёҳвандларда қайд этилган бўлса, 2022 йилда (35,9%) 15,6 марта ўсган ва гиёҳванд моддалар қаторида ўз улушига кўра иккинчи ўринни эгаллаган. Вилоятда синтетик гиёҳвандлик ва дори воситаларининг (СГДВ) истеъмоли 2018 йилдан (3,4%) бошлаб қайд этилмоқда. 2019 йилда мазкур воситалар ҳиссаси 17,1% ни, 2022 йилда эса 1,1% ни ташкил этган. Тадқиқ этилаётган йиллар мобайнида полинаркомания ҳиссаси 0,5% дан (2013 йил) 25,0% гача (2018 йил) кўламда тебраниб, 2022 йилда 7,2% ни ташкил этган. Назаримизда, героин истеъмоли ҳиссасининг ўсиши ҳамда СГДВ истеъмоли шаклланаётганлиги нохуш прогностик аломат сифатида қаралиши жоиз.

Тадқиқ этилаётган давр мобайнида 0-17 ёш гуруҳидагилар ўртасида касалланишнинг янги ҳолати фақат 2010 йилда (0,5%) қайд этилган ва ўртача 0,04% ни ташкил этган. 18-19 ёш гуруҳидагиларнинг ҳиссаси 2010 йилда 1,4%

ни ташкил этиб, навбатдаги бир неча йилларда кескин камая борган ва ўртача 0,2% ни ташкил этган (2-жадвал). 2010-2013 йиллар мобайнида касалланишнинг аксарият қисми 20- 39 ёш оралиғидаги гуруҳлар томонидан белгиланган бўлса, 2014 йилдан бошлаб мазкур гуруҳлар ҳиссаси тобора пасаймоқда. Хусусан, 20-24 ёш гуруҳидагилар (ўртача 2,5%) ҳиссаси 2022 йилда (1,1%), 2010 йилга (7,1%) нисбатан 6,5 марта камайган. 2010-2022 йиллар мобайнида 25-29 ёш гуруҳидагилар (ўртача 8,5%) ҳиссаси 3,1 марта, 30-34 ёш гуруҳидагилар (ўртача 15,9%) ҳиссаси 3,2 марта, 35-39 ёш гуруҳидагилар (ўртача 20,2%) ҳиссаси 1,6 марта камайган. Аксинча, 40-64 ёш гуруҳидагилар (ўртача 48,0%) ҳиссаси 2022 йилда (60,8%), 2010 йилга (12,3%) нисбатан 4,9 марта,  $\geq 65$  ёш ёш гуруҳидагилар (ўртача 4,7%) ҳиссаси эса (тегишлича 3,9% ва 0,3%) 13,0 марта ўсган.

ГМТ билан касалланишнинг жадаллик кўрсаткичи, аҳолининг 0-17, 18-19 ва 20-24 ёш гуруҳларида паст даражада бўлиб, тегишли ёшдаги 100 минг нафар аҳолига нисбатан ўртача мос равишда 0,01; 0,5 ва 1,6 ни ташкил этади. 20-24 ёш гуруҳидаги шахсларнинг ГМТ билан касалланиши динамикада деярли узлуксиз пасая борган, натижада 2010 йилдагига (7,4) нисбатан 2022 йилда (0,7) 10,6 марта камайган.

## 2-жадвал

### Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг аҳоли ёш гуруҳлари ўртасида тақсимланиши, 2010-2022 йиллар, %

Йиллар	Ёш гуруҳлари							
	0-17	18-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-64	$\geq 65$
<b>2010</b>	0,5	1,4	7,1	15,1	32,1	31,2	12,3	0,3
<b>2011</b>	-	-	5,1	15,3	25,3	37,2	16,7	0,3
<b>2012</b>	-	0,4	5,5	13,5	35,1	29,6	15,6	-
<b>2013</b>	-	0,03	5,2	16,2	26,7	19,7	29,6	1,7
<b>2014</b>	-	-	0,6	4,0	8,7	19,6	60,1	6,9
<b>2015</b>	-	-	1,5	5,2	10,4	22,4	55,3	5,2
<b>2016</b>	-	1,0	2,0	8,2	19,4	8,2	52,0	9,2
<b>2017</b>	-	-	-	2,6	10,4	18,2	62,3	6,5
<b>2018</b>	-	-	-	2,6	7,7	12,1	69,0	8,6
<b>2019</b>	-	-	1,7	4,3	12,0	12,8	64,1	5,1
<b>2020</b>	-	-	1,7	10,9	3,4	16,8	59,7	7,6
<b>2021</b>	-	-	0,9	7,0	6,1	15,8	66,7	6,1
<b>2022</b>	-	-	1,1	4,9	9,9	19,3	60,8	3,9
<b>Ўртача</b>	<b>0,04</b>	<b>0,2</b>	<b>2,5</b>	<b>8,5*</b>	<b>15,9*</b>	<b>20,2*</b>	<b>48,0*</b>	<b>4,7</b>

\* - бошқа гуруҳларга нисбатан статистик аҳамиятли даражада юқори ( $p < 0,05$ ).

Ўртача йиллик пасайиш суръати 7,0% ни ташкил этади. Аҳолининг 25-29, 30-34 ва 35-39 ёш гуруҳларида жадаллик кўрсаткичи ўртача мос равишда 4,8; 10,6 ва 16,2 дан иборат. 25-29, 30-34 ва 35-39 ёш гуруҳларининг 2022 йилдаги кўрсаткичлари (тегишлича 2,5; 5,0 ва 10,9), гуруҳларнинг 2010 йилдаги кўрсаткичига қараганда мос равишда 6,8; 9,1 ва 5,1 марта паст. 2010-2022

йиллар мобайнида ГМТ билан касалланишнинг ўртача йиллик пасайиш суръати 25-29 ёш гуруҳида 6,6% ни, 30-34 ва 35-39 ёш гуруҳларида эса тегишлича 6,8% ва 6,2% ни ташкил этади. Аҳолининг 40-64 ёш гуруҳида ГМТ билан касалланиш кўрсаткичи ўртача 8,7 бўлиб, касалланиш 2022 йилда (12,1) 2010 йилдагига (6,7) нисбатан 1,8 марта ўсган. Ўртача йиллик ўсиш суръати 6,2% дан иборат.  $\geq 65$  ёш гуруҳида эса ўртача касалланиш кўрсаткичи 3,7 бўлиб, касалланишнинг 2010 йилдагига (1,1) нисбатан 2022 йилда (3,0) 2,7 марта ўсиши кузатилган. Ўртача йиллик ўсиш суръати 13,3% ни ташкил этади. Демак, Самарқанд вилоятида 2010-2022 йиллар мобайнида аҳолининг гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш кўрсаткичи 2,6 марта пасайгани холда, аҳолининг 40-64 ва  $>65$  ёш гуруҳларида касалланиш мос равишда 1,8 ва 2,7 марта ўсган. Аҳоли ёш гуруҳлари бўйича ГМТ билан касалланиш жадаллигининг мавқеига кўра, 35-39 ёш (16,2) гуруҳидагилар биринчи, 30-34 ёш (10,6) гуруҳидагилар иккинчи ва 40-64 ёш (8,7) гуруҳидагилар учинчи уринни эгаллашган. ГМТ билан 20-24 ёшдаги аҳоли касалланишига нисбатан нисбий хавф 25-29 ёш гуруҳида 3,0 марта (RR=3,0), 30-34 ёш гуруҳида 6,6 (RR=6,6), 35-39 ёш гуруҳида 10,0 (RR=10,0) ва 40-64 ёш гуруҳида 5,3 (RR=5,3) марта юқори. Демак, Самарқанд вилоятида ГМТ билан касалланишнинг ёш таркиби, чет эллардагига нисбатан тафовутга эга, яъни аксарият ҳолларда гиёҳванд моддаларнинг дастлабки истеъмоли 20 ёшдан кейин, уларга нисбатан тобелик шаклланиши эса 25-30 ёшдан кейин содир бўлади. Хорижий давлатларда гиёҳванд моддаларнинг дастлабки истеъмоли барвақт - 12-15 ёшда бошланиши, тобелик эса аксарият ҳолларда 25 ёшга қадар шаклланиши кузатилади (Брюн Е.А. ва б., 2017, 2019; Григорьева А.А., 2018). ГМТ пациентлар ўртасида эркакларнинг ҳиссаси динамикада 73,4% дан (2014 й.) 99,4% гача (2022 й.) кўламда бўлиб, ўртача 94,7% дан, аёлларнинг ҳиссаси динамикада 0,6% дан (2022 й.) 26,6% гача (2014 й.) кўламда тебраниб, ўртача 5,3% дан иборат. Ўртача жадаллик кўрсаткичи (100 минг нафар тегишли жинсдаги аҳолига нисбатан), аёллар ўртасида 0,5 га, эркаклар ўртасида 9,2 га тенг, яъни 18,4 марта юқори. Аёллар касалланишига нисбатан эркаклар касалланишининг нисбий хавфи эса 19,3 марта (RR=19,3) юқори.

Диссертациянинг «**Гиёҳванд моддаларга тобелик кечишининг клиник- динамик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида ГМТ нинг ижтимоий- демографик ва конституционал-биологик детерминантларини ҳамда клиник- динамик тавсифини тадқиққ этиш натижалари тақдим этилган. Мазкур изланишлар 2- клиник босқичидаги 411 нафар эркак жинсига мансуб пациентларда амалга оширилган бўлиб, уларнинг 133 нафари опиоидлар (32,4%), 211 нафари героин (51,3%) ва 67 нафари каннабис гуруҳидаги (16,3%) ГМ истеъмолчиларидан иборат. Пациентларнинг 306 нафарида ремиссия мавжуд, 105 нафарида эса ремиссия кузатилмаган. Ремиссия шаклланганлар ҳиссаси, ремиссия шаклланмаганлар ҳиссасига нисбатан опиоидларга тобе пациентларда 3,7, героинга тобеларда 2,2 ва каннабис гуруҳидаги ГМ га тобеларда 5,1 марта юқори. Ремиссия частотаси каннабис (83,6%)

истеъмолчиларида, опиоидлар (78,9%) ва героин (68,7%) истеъмолчиларидагига қараганда юқори (3-жадвал).


3-жадвал

**Истеъмол қилинадиган гиёҳванд моддалар тоифасига кўра ремиссия шаклланиш частотаси, Самарқанд вилояти, N=411**

Истеъмол қилинадиган гиёҳвандлик воситасининг тоифаси	Касаллик оқибати				p
	Ремиссия мавжуд		Ремиссия мавжуд эмас		
	мутл	%±	мутл	%±	
<b>Опиоидлар, n=133</b>	105	78,9±3,5	28	21,1±3,5	p<0,01
<b>Героин, n=211</b>	145	68,7±3,2*	66	31,3±3,2	p<0,05
<b>Каннабис гуруҳидаги, n=67</b>	56	83,6±4,5*	11	16,4±4,5	p<0,01
<b>Жами, N=411</b>	<b>306</b>	<b>74,5±2,1</b>	<b>105</b>	<b>25,5±2,1</b>	p<0,01

\* p<0,05


Илк истеъмол пайтида қўлланилган ГМ таркибида героиннинг улуши ремиссия кузатилмаган пациентлар гуруҳида (60,0%), ремиссия мавжуд пациентлар гуруҳидагига (19,9%) қараганда 3,0 марта юқори (p<0,001), яъни истеъмолнинг героин билан бошланиши нохуш предиктор сифатида қаралиши зарур. Дастлабки истеъмолига ундовчи мотив сифатида “Психогениялар” улуши ремиссия мавжуд гуруҳидагига (10,8%) қараганда ремиссия мавжуд эмас (50,5%) пациентлар гуруҳида 4,7 марта юқори (p<0,01). Тасодифий танишилган шахслар тегишлича 39,5% ва 60,0% ҳолатда дастлабки даврадош бўлишган (p<0,05). ГМ нинг кейинги истеъмолига монелик қилиши мумкин бўлган қарашлар йўқлиги пациентларнинг тегишлича 61 нафариди (19,9%) ва 37 нафариди (35,2%) қайд этилди. ГМ истеъмолини 21-25 ёш оралиғида бошлаганларнинг ремиссия мавжудлар ўртасидаги улушига (40,8%) нисбатан, ремиссия кузатилмаётганлар ўртасидаги улуши (52,4%) 1,3 марта юқори (p<0,05) (2-расм).



**2-расм.** Гиёҳванд моддаларнинг дастлабки истеъмоли бошланган ёшнинг даволаш тадбирлари самарадорлигига таъсири, Самарқанд вилояти, N=411, %

